

Аллоҳга итоат қилсанг, сенга ҳам итоат қилишади



08:00 / 07.05.2020 2699

Абу Саъид ибн Иброҳим Хавлоний айтади: «Бир киши Абу Робиъ Соиҳдан Аллоҳ таолонинг исми аъзамини (улуғ исмини) ўргатишини сўради. У: «Қоғоз-қаламинг борми?» деди. У: «Ҳа», деди. Унда: «Бисмиллаҳир роҳманир роҳим» деб ёз! Аллоҳга итоат қилсанг, сенга ҳам итоат қилишади», деди.

Фузайл ибн Иёздан ривоят қилинади: «Бир куни ўғлим ёнимда ўтириб йиғлади. «Сенга нима бўлди, ўғлим?» десам, «Қиёмат куни бирга бўлмаслигимиздан кўрқяпман», деди».

«Солиҳлар гулшани китобидан»